

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

АБДУЖАБОРОВА МАЪМУРА ТОШМУХАМАДОВНА

СУВ ТАЪМИНОТИ ҚОРХОНАЛАРИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА
ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.08 – Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит

иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент шаҳри – 2021 йил

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
экономическим наукам**

**Content of dissertation the abstract of doctor of Philosophy (PhD) on
economical sciences**

Абдужаборова Маъмура Тошмухамедовна

Сув таъминоти корхоналарида бухгалтерия ҳисоби ва иқтисодий таҳлил
такомиллаштириш.....3

Абдужаборова Маъмура Тошмухамедовна

Совершенствование бухгалтерского учета и экономического анализа на
предприятиях водоснабжения.....31

Abdujaborova Mamura Toshmukhamadovna

Improving accounting and economical analysis in water supply enterprises.....59

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....63

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

АБДУЖАБОРОВА МАЪМУРА ТОШМУХАМАДОВНА

СУВ ТАЪМИНОТИ ҚОРХОНАЛАРИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА
ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.08 – Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит

иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент шаҳри – 2021 йил

Фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.1.PhD/Iqt997 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент молия институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tfi.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Очилов Илёс Келдиёрович**
иктисодиёт фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар: **Ахмеджанов Каримжон Бакиджанович**
иктисодиёт фанлари доктори, профессор
Дусмуратов Раджапбай Давлетбаевич
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент молия институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.I.17.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «9» 09 куни соат 16⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил.: 100000, Тошкент шаҳри, А.Темур кўчаси, 60А уй. Тел.: (99871) 234-53-34; факс: (99871) 234-46-26; e-mail: ilmiykengash@tfi.uz

Диссертация билан Тошкент молия институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (210 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 60А. Тел.: (99871) 234-53-34; факс: (99871) 234-46-26; e-mail: admin@tfi.uz

Диссертация автореферати 2021 йил «23» 08 куни таркатилди.
(2021 йил «23» 08 даги 36 рақамли реестр баённомаси).



Т.З. Тешабасв
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, иктисодиёт фанлари доктори, профессор

Н.Н. Каландарова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, иктисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

И.Н. Кўзиев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, иктисодиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. «Жаҳонда сўнги 100 йил ичида сув истеъмоли 10 маротаба ошди. Ичимлик суви танқислиги туфайли юзага келган инқироз нефт инқирозидан кўра жиддийроқдир. Турли баҳолаларга кўра, сув ва канализация хизмати сифатини яхшилашга қўйилган ҳар бир АҚШ доллари 3 дан 34 долларгача даромад келтиради»¹. БМТнинг «Сувга бўлган ҳуқуқ. Далиллар баёни №35» нашрида таъкидланганидек, ҳеч бир инсон ёки шахслар гуруҳи тўловга қобилиятсизлиги боис, хавфсиз ичимлик сувидан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум этилмаслиги лозим. Сув таъминоти муаммоси инсоният ҳаёти ва унинг келгусидаги ривожда энг муҳим масалалардан ҳисобланади. Сувнинг қиймати жаҳон амалиётида сув таъминоти ва канализация хизмати соҳасида ислохотлар ўтказиш ҳамда ривожлантиришни тақозо этади. Ҳал этиладиган мақсадли вазифалар кўламига кўра сув таъминоти соҳаси коммунал хўжалигининг муҳим соҳаси ҳисобланади.

Жаҳон амалиётида инновацион ва рақамли иқтисодиётнинг ривожланишида сув таъминоти корхоналарида бухгалтерия ҳисоби ва иқтисодий таҳлилнинг ташкилий-услубий жиҳатларини такомиллаштириш борасида кўплаб илмий тадқиқот ишлари амалга ошириб келинмоқда. Ушбу тадқиқотларда сув таъминоти корхоналарида даромад ва харажатларни таснифлаш, уларнинг молиявий ҳолати ҳамда инвестицион жозибдорлигини баҳолаш, фойдаланувчилар учун ахборот имкониятларини кенгайтириш, улардан самарали фойдаланишда таҳлил услубиёти белгилаб берилган. Бироқ, сув таъминоти корхоналари тузилишининг турли-туманлиги, хўжалик операцияларини ҳисобда акс эттиришнинг хилма-хиллиги, таҳлилнинг услубий жиҳатларини халқаро стандартлар талаблари даражасида ташкил этиш билан боғлиқ бўлган муҳим масалалар ва муаммолар ҳал қилинишини талаб этмоқда.

Ўзбекистонда сув таъминоти корхоналарида янги объектларни қуриш, мавжудларини реконструкциялаш, модернизация қилиш, техник қайта жиҳозлаш учун катта ҳажмдаги инвестициялар зарурлиги уларни давлат бюджетидан молиялаштиришнинг имконсизлигини кўрсатмоқда. Шу сабабли, тармоқнинг жозибадор томонларини шакллантириш ва бюджетдан ташқари маблағларни жалб этишнинг зарурий шароитларини яратиш талаб этилмоқда. Шу боис, сув таъминоти корхоналари тармоқ хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, уларда бухгалтерия ҳисоби ва иқтисодий таҳлилнинг ташкилий-услубий асосларини такомиллаштириш бугунги куннинг муҳим масалаларидан бири бўлиб қолмоқда. «Халқаро тажрибани ўрганиб, рақобатни олиб кириш мумкин бўлган монополия соҳаларига хусусий сектор учун йўл очиш ва шу орқали рақобат муҳитини шакллантириш лозим. Бу борада табиий монополия ва рақобат тўғрисидаги қонунларни янгилаш ҳамда

¹Бахмат А.Б. Использование инструмента «бенчмаркинга» для повышения эффективности производственно-хозяйственной деятельности предприятий водопроводно-канализационного хозяйства Республики Беларусь. Экономические и юридические науки. Экономика и управление. № 14, 2018.

иктисодиётда рақобат муҳитини шакллантириш стратегиясини ишлаб чиқиш»² устувор вазифалардан бири этиб белгиланган. Мазкур вазифалар бажарилишини таъминлашда сув таъминоти корхоналарида бухгалтерия ҳисоби ва иқтисодий таҳлил услубларини такомиллаштириш танланган тадқиқот мавзусининг долзарблигини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2017 йил 16 ноябрдаги ПФ-5241-сон «Сув таъминоти ва сув чиқариш хизмати кўрсатиш соҳасида тўлов интизомини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2019 йил 26 ноябрдаги ПФ-5883 сон «Аҳолининг ичимлик суви билан таъминланганлик даражасини ошириш ва унинг сифатини яхшилаш учун Ўзбекистон Республикасининг сув ресурсларини бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 25 сентябрдаги ПФ-6074-сон «Ичимлик сув таъминоти ва оқова сув тизимини янада такомиллаштириш ҳамда соҳадаги инвестиция лойиҳалари самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611-сон «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 28 июлдаги ВМ-207-сон «Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида»ги Қарори, шунингдек мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сув таъминоти корхоналарида бухгалтерия ҳисоби ва иқтисодий таҳлилнинг назарий, илмий-услубий ва амалий жиҳатлари хорижлик олимлардан В.Н.Афанасьев, С.А.Журавлев, В.В.Банк, Ю.С.Гембик, С.А.Городкова, М.С.Каплина, В.В.Лесных, А.Я.Терентьев, Е.В.Липатова, В.П.Щегурова, Л.О.Парфелкина³ ва бошқаларнинг асарларида ўз аксини топган.

²Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 25.01.2020. <https://www.president.uz/>

³Афанасьев В.Н., Журавлев С.А. Анализ тарифной политики в водоснабжении населения города. Вестник НГУЭУ, №4, 2013, 200-217 стр.; Банк В.В. Организация учета и экономического анализа основных средств на предприятиях, перерабатывающих водные биоресурсы. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Саратов, 2004.; Гембик Ю.С., Городкова С.А. Проблемы практического применения законодательного механизма определения расходов на оплату труда и объемов реализации услуг в сфере водоснабжения и водоотведения. Вестник НГУЭУ. № 4, 2017.; Жигачев М.А. «Совершенствование методов расчета затрат на организацию водоснабжения жилищного фонда». Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Москва, 2006.;

Мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан М.Қ.Пардаев, А.А.Каримов, А.К.Ибрагимов, А.Х.Пардаев, Р.Д.Дусмуратов, А.С.Болтаев, С.У.Меҳмонов, А.Ж.Гуйчиев, М.Ю.Рахимов, Б.Ж.Хакимов, Р.О.Холбеков⁴ ва бошқаларнинг асарларида турли тармоқларда бухгалтерия ҳисоби ва иқтисодий таҳлилнинг такомиллаштириш масалалари ўрганилган. Шунингдек иқтисодчи олимлар Р.А.Абдуллахонов, Л.Ф.Амиров, А.К.Ахмедов, Б.У.Ҳасанов, Ш.Т.Ҳасанов⁵ ва бошқаларнинг асарларида сув ресурсларидан фойдаланиш ва сув хўжалигини бошқаришни такомиллаштиришнинг турли жиҳатлари ўрганилган. Бироқ айнан сув таъминоти корхоналарида бухгалтерия ҳисоби ва иқтисодий таҳлилнинг назарий ва ташкилий-услубий жиҳатлари ўрганилмаган.

Иқтисодчи олим ва мутахассисларнинг асарларида турли тармоқларда ишлаб чиқариш харажатлари ва молиявий натижаларнинг ҳисоби ва иқтисодий таҳлили атрофлича тадқиқ қилинган. Лекин сув таъминоти

Каплина М.С. Потенциал использования системы бюджетирования в организации управленческого учета текущей деятельности на предприятиях ВКХ. Учет и статистика. №1, 2011, 26-33 стр.; Каплина М.С. Роль ценообразования в построении системы управленческого учета текущей деятельности на предприятиях водоснабжения и водоотведения. Terra Economicus. Ростов, 2010, 73-76 стр.; Лесных В.В., Терентьев А.Я. Формирование тарифов в сфере водоснабжения и водоотведения. Вестник УГТУ-УПИ. №4, 2010, 34-46 стр.; Липатова Е.В. Организация управленческого учета и совершенствование системы формирования издержек на предприятиях водоснабжения и водоотведения. Саратов, 2000.; Плотникова И.А. Формирование инвестиционной и тарифной политики в системе регионального водоснабжения. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Вологда, 2003.; Щегурова В.П., Парфелкина Л.О. Оптимизация затрат на услуги водоснабжающих предприятий как основа формирования тарифов. Молодой учёный. №4, 2014, 639-643 стр;

⁴Пардаев М.Қ. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида иқтисодий таҳлилнинг назарий ва методологик муаммолари. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Самарқанд, 2001; Каримов А.А. Корпоратив бошқарув тизимида бухгалтерия ҳисоби ва аудитни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Тошкент, 2009; Ибрагимов А.К. Ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби, аудити ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таннархини аниқлашни такомиллаштириш. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Тошкент, 2002; Пардаев А.Х., Пардаев Б.Х. Бошқарув ҳисоби. – Тошкент: 2008. – 252 б.; Дусмуратов Р.Д., Болтаев А.С. Молиявий таҳлил. Дарслик. Тошкент, «Иқтисод-молия», 2020, 454 б.; Меҳмонов С.У. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва ички аудит методологиясини такомиллаштириш. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Тошкент, 2018; Гуйчиев А.Ж. Мажбуриятлар бухгалтерия ҳисоби ва таҳлилининг назарий-методологик муаммолари. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Тошкент, 2011; Рахимов М.Ю. Бозор иқтисодиёти шароитида дон маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналарида молиявий натижалар ҳисоби, таҳлили ва аудитини такомиллаштириш. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Тошкент, 1999; Хакимов Б.Ж. Фермер хўжаликларида ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби, маҳсулот таннархини ҳисоблаш ва уларнинг таҳлили (Ўсимликчилик тармоғи мисолида). Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Тошкент, 2007; Холбеков Р.О. Донни сақлаш ва қайта ишлаш корхоналарида ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобини такомиллаштириш («Ўздонмаҳсулот» корпорациясига қарашли дон маҳсулотлари корхонаси мисолида). Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Тошкент, 1997.

⁵Абдуллахонов Р.А. Ўтиш даврида сув хўжалиги мажмуаси ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Фарғона, 2003; Амиров Л.Ф. Қишлоқ хўжалигида сув ресурсларидан фойдаланишни бошқариш механизмларини такомиллаштириш Қишлоқ хўжалигида сув ресурсларидан фойдаланишни бошқариш механизмларини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори даражасини олиш учун ёзилган диссертация. ТДИУ, 2017; Ахмедов А.К. Қишлоқ хўжалигида сувни тежовчи инновацион технологиялардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Тошкент, 2018; Ҳасанов Б.У. Ўзбекистон сув хўжалиги тизимини такомиллаштириш ва унинг самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизми. И.ф.н. даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Тошкент, 2005; Ҳасанов Т.Ш. Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш. И.ф.н. даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Самарқанд, 2017.

корхоналарида ишлаб чиқариш харажатларининг ҳисоби, маҳсулот таннархини ҳисоблашнинг тармоқ хусусиятлари, уларнинг молиявий ҳолати ва инвестицион жозибadorлиги таҳлили тадқиқ қилинмаган. Мазкур ҳолатлар ушбу диссертация мавзусини танлаш ва тадқиқот вазифаларини белгилашга асос бўлди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация тадқиқоти Тошкент молия институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Иқтисодий-технологик модернизация қилиш шароитида молия, банк ва ҳисоб тизимини мувофиқлаштиришнинг илмий асослари» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади сув таъминоти корхоналарида бухгалтерия ҳисоби ва иқтисодий таҳлилни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

сув таъминоти корхоналарида бухгалтерия ҳисоби ва иқтисодий таҳлилнинг тармоқ хусусиятларини очиқ беришдаги замонавий тенденцияларни тадқиқ этиш;

сув таъминоти корхоналарида бошқарув ҳисобини ташкил қилиш босқичларини шакллантириш;

сув таъминоти корхоналарида даромадлар ва харажатлар ҳисобининг услубий жиҳатларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар бериш;

сув таъминоти корхоналари молиявий ҳолат таҳлилининг амалдаги услубий-методик тадқиқ қилиш ҳамда унинг тубдан янги методологик базасини яратиш;

сув таъминоти корхоналари инвестицион жозибadorлигини таҳлил қилишни илмий-назарий жиҳатдан асослаш ҳамда молиявий потенциални оширишнинг муҳим ечимларини бериш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида «Ўзсувтаъминот» акциядорлик жамияти таркибига кирувчи хўжалик юритувчи субъектлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сув таъминоти корхоналарида бухгалтерия ҳисоби ва иқтисодий таҳлилни такомиллаштиришда вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда гуруҳлаш, тадқиқот объектлари бўйича таққослаш, илмий тафаккур, иқтисодий-статистик ва таҳлилий услублар, тадқиқот объектлари ва олинган натижаларни баён қилиш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

сув таъминоти корхоналарида харажатларни объектларда технологик жараёнлар бўйича ҳисобга олиш орқали бошқарув ҳисобининг ахборот имконияти аниқлаштирилган;

сув таъминоти корхоналарида ҳисоб сиёсатига 2011-«Сувни олиш жараёнидаги ишлаб чиқариш харажатлари», 2012-«Сувни тозалаш жараёнидаги ишлаб чиқариш харажатлари», 2013-«Сувни етказиб бериш жараёнидаги ишлаб чиқариш харажатлари» ишчи счётларини киритиш

асосида ишлаб чиқариш харажатларининг технологик жараёнлар бўйича ҳисоби такомиллаштирилган;

сув таъминоти корхоналарида хизматлар таннархига киритиш билан боғлиқ харажатларни 3130-«Инвестицион харажатлар» ишчи счётида ҳисобга олиш таклиф этилган;

активлар ва пассивларнинг таркибини баҳолашга асосланган оптимал структурасини таъминлаш орқали сув таъминоти корхоналарида иқтисодий таҳлил методикаси такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

сув таъминоти корхоналарида бошқарув ҳисобини ташкил этишнинг услубиёти ахборотни мувофиқлаштириш, ахборот тизимини яратиш, бошқарув таҳлилининг ўтказиш, бошқарув қарорларининг қабул қилиш босқичларининг киритиш асосида такомиллаштирилган;

сув таъминоти корхоналарида бухгалтерия ҳисобини ташкил этишнинг ташкилий-услубий таъминотининг такомиллаштириш мақсадида махсус ҳисоб шакллари ишлаб чиқилган;

ишлаб чиқилган «Сув таъминоти корхоналари молиявий ҳолатининг таҳлил қилиш тартиби» номли такомиллаштирилган электрон дастур ёрдамида маълумотларни аниқ ва тезкор шакллантиришга эришилган;

сув таъминоти корхоналари инвестицион жозибадорлигининг таҳлил қилишнинг ахборот таъминотининг янги ҳужжатлар шаклини жорий этиш тартиби белгиланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги амалга оширилган ёндашув, усуллар ва назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар ва тажриба–синов ишлари самарадорлигининг математик–статистик ишонччилик интервалида текширилганлиги, статистик қонуниятларда келтирилган ишонччилик талабларига жавоб бериши, «Ўзсувтаъминот» АЖ тизимидаги корхоналарнинг амалий маълумотларига асосланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишлаб чиқилган таклифларнинг назарий жиҳатдан асосланганлиги, сув таъминоти корхоналарида бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлилнинг назарий ва ташкилий–услубий жиҳатлари ҳамда методологиясининг халқаро амалиёт тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштиришга хизмат қилиши, бухгалтерия ҳисоби ва иқтисодий таҳлилнинг такомиллаштиришга қаратилган илмий-тадқиқот ишларида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган тавсиялардан сув таъминоти корхоналарининг бухгалтерия ҳисоби ва иқтисодий таҳлилда қўлланиладиган усулларни тизимлаштириш ва асослашда, молиявий ҳолат кўрсаткичларининг шакллантиришда, уларни ҳисоботда ишончли акс эттиришда, бошқарув маълумотларининг шакллантиришда, сув таъминоти корхоналарида иқтисодий таҳлилнинг ўтказишда йўриқнома сифатида хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Сув таъминоти корхоналарида бухгалтерия ҳисоби ва иқтисодий таҳлилни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

сув таъминоти корхоналарида харажатларни объектларда технологик жараёнлар бўйича ҳисобга олиш орқали бошқарув ҳисобининг ахборот имкониятини аниқлаштириш бўйича таклифи «Ўзсувтаъминот» АЖнинг ҳисоб сиёсатида ўз аксини топган («Ўзсувтаъминот» АЖнинг 2021 йил 11 январдаги 05/1-60-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий қилиниши натижасида ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш ҳамда кўрсатилаётган хизматлар таннархини пасайтириш, улар томонидан қилинган харажатларни илмий асослашга йўналтирилган ахборот тизимини яратиш, корхона ривожини учун молиявий резервларини шакллантиришга эришилган;

сув таъминоти корхоналарида ҳисоб сиёсатига 2011-«Сувни олиш жараёнидаги ишлаб чиқариш харажатлари», 2012-«Сувни тозалаш жараёнидаги ишлаб чиқариш харажатлари», 2013-«Сувни етказиб бериш жараёнидаги ишлаб чиқариш харажатлари» ишчи счётларини киритиш асосида ишлаб чиқариш харажатларининг технологик жараёнлар бўйича ҳисобини такомиллаштириш бўйича таклифи «Ўзсувтаъминот» АЖнинг ҳисоб сиёсатида ўз аксини топган («Ўзсувтаъминот» АЖнинг 2021 йил 11 январдаги 05/1-60-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий қилиниши натижасида сув таъминоти корхоналари ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобини аниқлаштиришга эришилган;

сув таъминоти корхоналарида хизматлар таннархига киритиш билан боғлиқ харажатларни 3130-«Инвестицион харажатлар» ишчи счётида ҳисобга олиш бўйича таклифи «Ўзсувтаъминот» АЖнинг ҳисоб сиёсатида ўз аксини топган («Ўзсувтаъминот» АЖнинг 2021 йил 11 январдаги 05/1-60-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий қилиниши натижасида ҳисоб сиёсатини янгича ёндашув асосида шакллантириш, инвестицион харажатлар ҳисобини тўғри ташкил қилиш самарадорлигини ошишига хизмат қилган;

активлар ва пасивларнинг таркибини баҳолашга асосланган оптимал структурасини таъминлаш орқали сув таъминоти корхоналарида иқтисодий таҳлил методикасини такомиллаштириш бўйича таклифи «Ўзсувтаъминот» АЖнинг ҳисоб сиёсатида ўз аксини топган («Ўзсувтаъминот» АЖнинг 2021 йил 11 январдаги 05/1-60-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий қилиниши натижасида мавжуд маблағларни тўғри жойлаштириш ва бошқариш, сув таъминоти корхоналари молиявий ҳолатини яхшилаши ва инвестицион жозибадорлигининг ошишига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 6 та республика ва 14 та халқаро илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 31 та илмий иш, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларни асосий илмий

натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та илмий мақола, жумладан 1 таси хорижий журналда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан таркиб топган. Диссертация ҳажми 163 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертациянинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети шакллантирилган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатиб ўтилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ва диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги баён қилинган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари ёритилган, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ва жорий қилиниши очиб берилган, тадқиқот натижаларининг апробацияси, эълон қилинганлиги, диссертация ишининг тузилиши ва ҳажми тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Сув таъминоти корхоналарида бухгалтерия ҳисоби ва иқтисодий таҳлилнинг назарий-услубий асослари**» деб номланиб, сув таъминоти корхоналарининг иқтисодиётда тутган ўрни, бухгалтерия ҳисоби ва иқтисодий таҳлилнинг аҳамияти, сув таъминоти корхоналарида бухгалтерия ҳисоби ва иқтисодий таҳлилни ташкил этиш амалиётининг норматив-ҳуқуқий асослари ҳамда ўзига хос хусусиятлари ўрганилган.

Сув таъминоти корхоналари мамлакат иқтисодиёти, унинг ривожланиш истиқболларига таъсир кўрсатиб, кўп жиҳатдан ушбу хизматларнинг нафақат даражаси, балки сифатига ҳам боғлиқдир.

Республикамизда олиб борилаётган ислохотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича устувор йўналишларни амалга ошириш мақсадида қабул қилинган «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлари стратегияси»га мувофиқ барча тармоқ ва соҳаларда туб ўзгаришлар юз бермоқда. Жумладан, бу ўзгаришлар коммунал соҳада фаолият юритаётган сув таъминоти корхоналарига ҳам бевосита дахлдор ҳисобланади. Шу боис, коммунал соҳада амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг ҳозирги босқичи сув таъминоти корхоналарининг самарали фаолият кўрсатиши учун қулай шароитларни яратиш, аҳолининг коммунал-маиший хизматлар билан таъминланиш даражасини ошириш, янги ичимлик суви тармоқларини қуриш, тежамкор ва самарали замонавий технологияларни босқичма-босқич жорий этиш орқали аҳолининг тоза ичимлик суви билан таъминланишини тубдан яхшилашни тақозо этмоқда.

Мазкур муаммо ва камчиликларни бартараф қилиш учун сув таъминоти

корхоналари фаолиятини илмий, меъёрий-услубий ва ташкилий жиҳатдан тўғри йўлга қўйиш, хусусан, уларда бошқарувнинг муҳим дастакларидан бири бўлган бухгалтерия ҳисоби ва таҳлил услубларини такомиллаштириш заруратини вужудга келтирмоқда.

Тадқиқот натижасида сув таъминоти корхоналарида бухгалтерия ҳисобининг ўзига хос хусусиятлари кўрсатиб берилган. Булар қуйидагилардан иборат:

бутун ишлаб чиқариш давомида бир турдаги хом ашё қайта ишланиб, бир турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилади;

яроқсиз маҳсулот бўлиши мумкин эмас, яратилган маҳсулот тўлиқ сифат стандартларига жавоб бериши лозим;

яратилган маҳсулотнинг ўрнини босадиган товар мавжуд эмаслиги боис, тушум кафолатланган;

тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг мавжуд эмаслиги;

идишлардан фойдаланмаслиги;

сотилган товарларни қайтариб олишнинг имкони йўқлиги;

сотиш харажатлари амалга оширилмаслиги;

сотишдан ва нархдан чегирмалар берилмаслиги.

Сув таъминоти соҳасида шундай харажатлар борки, нафақат иқтисодиёт тармоқларидаги корхоналар харажат моддаларидан, балки уй-жой коммунал хўжалиги бошқа тармоқларидаги корхоналар харажатларидан ҳам фарқ қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорида белгиланганидек, ичимлик суви истеъмолини ҳисобга олиш асбоблари, шунингдек, сув таъминоти ва канализация тизими объектларига оид зарур барча ахборотни «онлайн» режимида киритиш, сақлаш, мунтазам янгилаш ҳамда мониторинг қилишни таъминлайдиган ягона тизимнинг йўқлиги сувни исроф қилиш ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган харажатлар ошиб кетаётганининг сабабларидан биридир⁶.

Сув таъминоти корхоналарида иқтисодий таҳлилни ташкил этиш ҳамда давлат-хусусий шериклик лойиҳалари инвестицион жозибadorлигини ошириш мақсадида иқтисодий ахборотлар базасини такомиллаштириш зарур. Соҳа корхоналари қуйидаги ахборотларни очиб бериши лозим, деб ҳисоблаймиз:

1. Ижтимоий-сиёсий шароитлар.
2. Тизим корхоналарининг молиявий ҳисоботлари.
3. Молиявий кўрсаткичлар халқаро валюта бирлигида.
4. Тизим ташкилотлари томонидан кўрсатилаётган хизмат ва сув йўқотилиши ҳажми.
5. Даромадлар ва харажатлар таркиби.

⁶Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ПҚ-4040 сонли Қарори. 2018 йил 30 ноябрь.

6. Асосий воситалари таркиби.
7. Бир акцияга тўғри келадиган даромад.
8. Тарифларнинг солиштирма жадвали.
9. Ҳисобот йилида олинган субсидия ҳажми.
10. Аудиторлик хулосаси.

Мазкур ахборотларнинг очиб берилиши сув таъминоти корхоналари ҳақида батафсил ахборот бериш, соҳанинг инвестицион жозибадорлигини ошириш, давлат-хусусий шериклик лойиҳаларининг ривожига хизмат қилади, деб ҳисоблаймиз.

Шунингдек сув таъминоти корхоналари ўз расмий сайтларида сув таъминоти ва оқова хизмати билан боғлиқ фаолият ҳақидаги миқдор кўрсаткичларини очиб бериши мақсадга мувофиқдир. Сув таъминоти бўйича ушбу миқдор кўрсаткичлари олинган сув ҳажми, тозаланган сув ҳажми, тармоққа берилган сув, сувнинг йўқотилиши ҳажми, истеъмолчилар бўйича етказиб берилган сув ҳажми кўрсаткичларидир. Биз ушбу кўрсаткичларни 1-с шаклда акс эттиришни таклиф этамиз (1-жадвал).

1-жадвал

«Тошкент сув таъминоти» МЧЖ Чирчиқ шаҳар бўлимида сув таъминоти бўйича умумий кўрсаткичлар (натура ўлчов бирлигида)⁷

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2019 йил		2020 йил	
			Режа	Ҳақиқатда	Режа	Ҳақиқатда
1.	Олинган (кўтарилган) сув	минг м ³	28046,5	28541,0	28377,7	25700,0
	Шундан: ўз эҳтиёжлари учун	минг м ³	-	-	-	-
2.	Тозалаш иншоотларидан ўтказилган	минг м ³	16827,9	16738,0	17875,9	14864,3
3.	Тармоққа берилган сув	минг м ³	25999,1	26640,1	26277,8	24289,6
4.	Сувнинг йўқотилиши	минг м ³	10789,5	10895,4	10912,3	9881,6
	Шу жумладан, фоизларда	%	41,5	40,9	41,5	40,7
5.	Берилган сув	минг м ³	12993,8	13225,2	13739,4	14015,5
	Шу жумладан:					
5.1.	Аҳолига	минг м ³	10038,1	10142,0	10591,5	10842,0
	Берилган сув ҳажмидаги улуши	%	77,2	76,7	77,1	77,3
	Шу жумладан:					
5.1.1	Ҳисоблагич ўрнатилган аҳолига	минг м ³	7855,8	8049,6	8720,2	8975,6
5.1.2.	Ҳисоблагич ўрнатилмаган аҳолига	минг м ³	2182,3	2092,4	1871,3	1866,5
5.2.	Бюджет муассасалари	минг м ³	2262,7	2389,3	2451,9	2530,0
	Берилган сув ҳажмидаги улуши	%	22,5	18,1	17,8	18,0
5.3.	Бошқа истеъмолчилар	минг м ³	693,0	693,9	696,0	643,4
	Берилган сув ҳажмидаги улуши	%	5,3	5,2	5,1	4,6

1-с шакл маълумотларидан кўринадики, сув таъминоти корхонаси сув таъминоти фаолияти ҳақидаги ушбу маълумотлар корхона фаолиятига объектив баҳо бериш ва динамик ўзгаришларни ўрганиш имконини беради.

Шу билан бирга иқтисодий таҳлилни ташкил этишда сув таъминоти

⁷«Тошкент сув таъминоти» МЧЖ Чирчиқ шаҳар бўлими маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

корхоналарининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олиш лозим. Чунки молиявий ҳисоботлар бир хил шаклга эга эканлиги ва мазмуни бир хил ифода этилгани билан уларнинг сатрлари ҳамда шаклланиш тартиблари бир-биридан фарқ қилади. Иқтисодий таҳлил натижаларининг тўғри, аниқ ва ишончли бўлиши эса, ўз навбатида унинг ахборот манбалари билан таъминланганлик даражасига боғлиқ бўлади.

Сув таъминоти ва оқова сув хизматларини кўрсатиш йўналишида амалга оширилаётган ислохотларни изчил давом эттириш, соҳада шаффофлик ҳамда хусусий секторнинг иштирокини таъминлаш, «Ўзсувтаъминот» АЖ ва сув таъминоти ташкилотларининг молиявий барқарорлигини ошириш мақсадида тарифлар Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгаши қарорлари билан маъқулланганидан сўнг тасдиқланади. Шунингдек, амалдаги тартибга мувофиқ сув таъминоти ва оқова сув хизматлари учун тарифларнинг ўрнатилган тартибда шакллантирилиш ва белгилашда истеъмолчилар учун кўрсатиладиган хизматлар таннархини тўлиқ қоплаши, ичимлик суви соҳасида модернизация қилиш харажатларини ҳисобга олиш белгиланган. Сув таъминоти тизимида тармоқларнинг эскирганлиги туфайли сув таъминотида узилишларнинг олдини олиш, ичимлик суви ва канализация хизматларининг сифатини ошириш бўйича режалаштирилган тадбирларни инобатга олган ҳолда ҳудудлар бўйича янги тарифлар ишлаб чиқилган (2-жадвал).

2-жадвал

Ҳудудлар кесимида тасдиқланган ичимлик суви ва оқова сув тарифлари⁸

Ҳудуд	Ичимлик суви тарифлари			Оқова сув тарифлари		
	Аҳоли	Бюджет	Бошқа	Аҳоли	Бюджет	Бошқа
Қорақалпоғистон	1850	3695	3695	1100	2350	2350
Хоразм	1500	3050	3050	800	1300	1300
Андижон	750	1200	1800	750	1200	1600
Бухоро	2450	4420	4420	1850	3040	3040
Жиззах	2500	3500	3500	1000	1500	1500
Қашқадарё	1000	3800	6700	950	2100	4300
Навоий	3000	7500	7500	2700	7000	7000
Наманган	2550	3315	3315	700	875	875
Самарқанд	1850	3500	3500	1300	2800	2800
Сурхондарё	1150	2700	2700	650	1050	1050
Сирдарё	1250	2875	2875	530	1380	1380
Тошкент вилояти	950	4000	4000	700	1300	1300
Фарғона	1000	1300	1300	300	365	365
Тошкент шаҳри	400	400	1000	350	350	820

Янги ичимлик суви тарифлари ўша ҳудуднинг сув етказиб беришдаги географик жойлашуви, унга кетадиган сарф-харажатлардан келиб чиқиб белгиланди. Илгари сув таъминоти хизматлари учун тарифнинг таннархдан паст бўлганлиги сув таъминоти корхоналарининг зарар кўриб ишлашига олиб келган.

⁸«Ўзсувтаъминот» АЖ маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

Жадвалдан кўринадикки, ҳудудлар кесимида тарифлар кескин фарқ қилади. Шунингдек ҳар бир куб метр ичимлик суви ва оқова сувга устамалар кўшиб ҳисобланади. Ушбу устама Тошкент шаҳрида 100 сўм, Тошкент вилояти ва бошқа ҳудудларда 50 сўмни ташкил этади. Бу ерда шуни назарда тутиш лозимки, тарифларни ҳисоблашда истеъмолчилар гуруҳларининг канализация тармоқлари ва марказлашган иссиқлик таъминоти билан таъминланганлигига алоҳида аҳамият берилади (3-жадвал).

3-жадвал

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти мисолида умумий ичимлик суви ва оқова сув тарифлари⁹

Кўрсаткичлар	Тошкент шаҳри	Тошкент вилояти
Ичимлик суви тарифи	400	950
Ичимлик суви учун устама	100	50
Канализация тарифи	350	700
Канализация учун устама	100	50
Иссиқ сув учун канализация тарифи	350	700
Иссиқ сув канализацияси учун устама	100	50
Жами	1400	2500

Изоҳ: Бюджет ва бошқа турдаги корхоналар истеъмол қилинган сув учун қўшимча ҚҚС ҳам тўлайди.

Тадқиқот натижалари кўрсатадики, истеъмолчиларни сув билан таъминлаш ҳисоблагичлар ва ҳисоблагичларсиз амалга оширилади. Сув ҳисоблагичлар асосида сув реализацияси 1 литр истеъмол қилинган сув миқдорини, унинг белгиланган нархига кўпайтириш асосида ташкил қилинса, сув ҳисоблагичларсиз, у истеъмол қилиниши мумкин бўлган сув миқдорига нисбатан белгиланади. Сув ҳисоблагичларсиз белгиланган бу сумма аҳоли учун киши бошига қараб ҳисобланади. Бизнинг фикримизча, бу ҳолат ҳақиқий сув истеъмоли миқдорини ифодаламайди, чунки ҳақиқий сув сарфи билан тахмин қилинган сув истеъмоли миқдори аслида фарқ қилади.

Маълум бўлишича, республика бўйича ичимлик суви таъминоти бўйича ишлар нормал ҳолатда ташкил этилиши ва харажатларни қоплаши учун кунига 4-4,5 миллиард сўм пул тушиши керак бўлади. Пандемиянинг энг мураккаб даврида бу тушум 300 миллион сўмгача тушиб кетди. Сувни зарарсизлантириш воситаси хлорнинг 1 ойлик захираси яратилгани тушум камайган вақтда қўл келган¹⁰. Аҳолига тушунтириш ишлари олиб борилиши ва тарғибот натижасида 2 ҳафта муддатдан сўнг пул тушуми 2,5 миллиард сўмга етказилган. Аҳолининг даромадлари ҳам вақтинча камайгани ҳисобга олиниб, сув таъминотини яхшилаш бўйича Инқирозга қарши кураш жамғармасидан 64 миллиард сўм фоизсиз ссуда олинган. Бу маблағ биринчи навбатда тизимда хизмат кўрсатаётган ишчилар маошлари ва иш жараёнини ташкил этиш учун йўналтирилган.

Диссертация ишининг «Сув таъминоти корхоналари бухгалтерия ҳисобининг ташкилий-услубий таъминоти» деб номланган иккинчи

⁹Муаллиф ишланмаси.

¹⁰<https://www.uzsuv.uz>

бобида сув таъминоти корхоналарида бошқарув ҳисобини ташкил этишнинг аҳамияти, ташкил этиш босқичлари, даромадлар, харажатларни ҳисобга олиш ва маҳсулот таннархини камайтиришни янада такомиллаштириш масалалари баён қилинган бўлиб, боб сўнгида илмий таклиф ва тавсиялар келтирилган.

Сув таъминоти корхоналарида бухгалтерия ҳисобини юритиш жорий тизимининг таҳлили шуни кўратадики, у корхона фаолиятининг иқтисодий самарадорлигига оид бошқарув жараёнини зарурий ахборот билан таъминлаш имконига эга эмас. Жумладан, маҳсулот (иш, хизматлар) ишлаб чиқариш харажатлари оператив ҳисобини ташкил этишдаги камчиликлар натижасида ички ҳисоботлар ўз вақтида тузилмайди ва ҳақиқатдаги маълумотлардан анча йироқ бўлиши кузатилади. Шунинг учун сув таъминоти корхоналарида даромадлар ва харажатлар, истеъмолчилар гуруҳи бўйича тушум, харажатларни тузилмавий бирликлар, объектлар ва географик ҳудудлар бўйича ахборотларни батафсил шакллантиришга асосланган бошқарув ҳисобини жорий этиш мақсадга мувофиқдир.

Бошқарув ҳисоби тизимини жорий қилиш корхонанинг узоқ муддатли ривожланиш стратегияси, ахборотдан ички фойдаланувчиларнинг эҳтиёжларига боғлиқ. Унинг жорий қилиниши ишлаб чиқариш, меҳнат, капитал ресурсларидан ва бошқарув имкониятларидан самарали фойдаланиш имконини беради. Бошқарув ҳисобини жорий қилишнинг ҳар бир босқичида вазифаларнинг белгиланиши бошқарув ҳисобининг самарали тизимини яратишда муҳим ҳисобланади.

Бугунги кунда сув таъминоти корхоналарида бошқарув ҳисобини режалаштириш, зарур ахборотни йиғиш ва ички ҳисоботларни тузиш каби тизим сифатида кўриш мумкин. Қайд этиш лозимки, ички ҳисоботлар фақат сув таъминоти корхонаси (бўлим) бўйсунадиган юқори ташкилотга ахборот тақдим этиш лозим бўлган ҳолатдагина тақдим этилади. Амалда тузилаётган ички ҳисоботлар асосида сув таъминоти корхонаси томонидан таҳлил амалга оширилмайди ва бошқарув қарорларини қабул қилинмайди.

Сув таъминоти корхоналарида бошқарув ҳисобини юритиш амалиётини ўрганиш шуни кўрсатадики, бошқарув таҳлилининг қўллаш чекланган. Бу бошқарув қарорларининг самарасизлигига олиб келади. Шу боис таҳлил метод ва усулларини ривожлантиришга йўналтирилган бошқарув таҳлилининг такомиллаштирилиши, молиявий ва номолиявий кўрсаткичлар таҳлили жараёнида замонавий инфор­мацион технологияларнинг қўлланилиши бошқарув жараёни самарадорлигини оширишга мўлжалланган бошқарув ахборотини шаклланиши имконини яратади.

Амалда сув таъминоти корхоналарида хизмат кўрсатишдан олинган даромадлар ҳисоб ҳужжатларида сув таъминоти, оқова хизматини кўрсатишдан даромадлар ҳамда бошқа даромадлар сифатида ҳисобга олинади. Соҳа корхоналарида яна бир қатор бошқа даромадлар бўлиб, биз ўз тадқиқотимизда уларни батафсил очиб беришга қаратилган 2-д шаклни ишлаб чиққанмиз (4-жадвал).

Асосий фаолият турлари бўйича даромадлар таркиби¹¹

Кўрсаткичлар	Сумма
Маҳсулот (иш, хизмат)ларни сотишдан олинган тушум	25688696,1
Шу жумладан:	
Сув таъминоти	15016233,3
Оқова хизмати	11279062,6
Техник хизмат кўрсатишдан олинган даромадлар	4562
Истеъмолчиларни тармоққа улаш бўйича олинган даромадлар	3342
Сув таъминоти тизими шартларини бузганлик учун олинган тўловлар	606599,8
Бошқа даромадлар	3236

Мазкур 2-д шакл сув таъминоти корхонаси даромадларини таҳлил қилиш ҳамда бу борада бошқарув қарорини қабул қилиш имконини беради. Жумладан, жами даромадлар таркибида техник хизмат кўрсатишдан даромадлар улушини ошириш лозим.

Сув таъминоти корхоналарида хизмат кўрсатиш давомида сувни реализация қилиш, оқова сувни қабул қилиш ҳамда асосий фаолият билан боғлиқ бошқа турдаги даромадлар олинади. Ушбу даромадлар ҳақидаги ахборотларнинг очиқ берилиши даромадлар таркиби, режа бажарилишига баҳо бериш имкониятини яратади. Биз ушбу даромадларни хизмат турлари бўйича алоҳида шаклларда (2-с шакл, 2-о шакл) ҳисобини юритиш лозим деб, ҳисоблаймиз (5,6-жадваллар).

«Тошкент сув таъминоти» МЧЖ Чирчиқ шаҳар бўлимида сув таъминотидан олинган даромадлар¹²

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Режа	Ҳақиқатда
1.	Сув реализациясидан олинган даромадлар	минг сўм	8341438.8	8130145.0
	Шу жумладан:			
1.1.	Аҳоли	минг сўм	5186408.4	4911052.0
	Шу жумладан:			
1.1.1.	Ҳисоблагич ўрнатилган аҳоли	минг сўм	2507654.2	2528146.9
1.1.2.	Ҳисоблагич ўрнатилмаган аҳоли	минг сўм	2678754.2	2382905.1
1.2.	Кoeffициентни қўллаган ҳолда	минг сўм	892918.1	794301.7
1.3.	Бюджет муассасалари	минг сўм	2549655.2	2545416.9
1.4.	Бошқа истеъмолчилар	минг сўм	605375.2	673676.1
2.	Бошқа даромадлар	минг сўм	0	170533.7
	Жами даромадлар	минг сўм	8341438.8	8300678.6

Жадвал маълумотларидан кўринадики, сув таъминоти бўйича даромадларнинг энг катта улушини сув реализациясидан олинган даромадлар ташкил этади. Хусусан, ушбу даромадлар таркибида ичимлик суви таъминоти хизматларини кўрсатишдан олинган даромадлар асосий қисми ташкил этади. Сув истеъмолчиларида ўрнатилган ҳисоблагичларнинг

¹¹«Тошкент сув таъминоти» МЧЖ Чирчиқ шаҳар бўлими маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

¹²«Тошкент сув таъминоти» МЧЖ Чирчиқ шаҳар бўлими маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

носозлиги аниқланган тақдирда тўловлар коэффициентни қўллаган ҳолда ундирилади.

6-жадвал

«Тошкент сув таъминоти» МЧЖ Чирчиқ шаҳар бўлимида оқова сувни қабул қилишдан олинган даромадлар¹³

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Режа	Ҳақиқатда
1.	Оқова сувни қабул қилишдан олинган даромадлар	минг сўм	7175095.2	7357457.8
1.1.	Аҳолидан	минг сўм	2391210.1	2203887.1
	Шу жумладан:			
1.1.1.	Ҳисоблагич ўрнатилган аҳоли	минг сўм	1178843.5	1216002.2
1.1.2.	Ҳисоблагич ўрнатилмаган аҳоли	минг сўм	1212366.6	987884.9
1.2.	Бюджет муассасалари	минг сўм	774429.7	771234.8
1.3.	Бошқа истеъмолчилар	минг сўм	4009455.5	4382335.9
2.	Бошқа даромадлар	минг сўм	0	652
	Жами даромадлар	минг сўм	7175095.2	7358109.8

Биз томонимиздан ишлаб чиқилган ушбу 2-с шакл ва 2-о шакллари корхона даромадлари тўғрисида батафсил ахборот олиш имконини яратади.

Тадқиқот натижаларига кўра, ичимлик суви ҳисоблагичларини ечиш, қиёслашдан ўтказиш ва ўрнатиш учун сув таъминоти корхонаси ихтиёрида қоладиган сумма тегишли харажатларни қоплашга етмайди. Натижада, сув ҳисоблагичларни ўз вақтида қиёслашдан ўтказиш ишлари мудом кечикмоқда. Бизнинг фикримизча, ичимлик сув ҳисоблагичларини ечиш, қиёслашдан ўтказиш ва ўрнатиш харажатларини тўлиқ қоплайдиган механизм яратилиши лозим. Шунингдек, уларни етказиб бериш харажатлари таркибига алоҳида харажат моддаси сифатида киритиш зарур.

Ичимлик сув таъминоти хизматлари тарифларига белгиланган махсус устама ҳақ суммаси мақсадли тушум ҳисобланиб, барча солиқ турларини ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблашда солиққа тортиладиган базага киритилмайди, шунингдек, сув таъминоти ташкилотларининг молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисоботда акс эттирилмайди. Ушбу устама ҳақнинг сув таъминоти корхонаси ихтиёрида қолиши, махсус ҳисобварақда йиғилиши ва модернизация жараёнига йўналтирилиши мақсадга мувофиқдир.

Фикримизча, сув таъминоти корхоналарида давлат-хусусий шерикчилиги асосида ташкил этилган таъмир хизматлари, экологик ва техник аудит, бошқа хизматларни амалга ошириш, махсус устама ҳақни сув таъминоти корхоналари ихтиёрида қолдиришига эришиш, ичимлик сувини ҳисобга олиш ускуналарини (ҳисоблагичларни) ечиш, қиёслашдан ўтказиш ва ўрнатиш бўйича истеъмолчилардан ундириладиган тўлов ҳажмини мувофиқлаштириш даромадлар ҳажмини ошишига хизмат қилади.

Иқтисодий модернизация қилиш шароитида сув таъминоти соҳасида фаолият юритаётган корхоналарда харажатларни камайтириш ва таннархни пасайтириш ҳозирги кунда асосий вазифалардан бири ҳисобланади.

Тадқиқотлар ва амалиётни ўрганиш шуни кўрсатадики, «Ўзсувтаъминот» АЖ тизимидаги корхоналар ҳисоб сиёсатида белгиланган қоидалар фойдаланувчиларни инвестицион фаолиятга оид харажатлар

¹³«Тошкент сув таъминоти» МЧЖ Чирчиқ шаҳар бўлими маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

ҳисобини ташкил этиш, юритиш ва молиявий ҳисоботда акс эттириш билан боғлиқ ахборот билан тўлиқ таъминламайди.

Сув таъминоти корхоналарида ишлаб чиқаришни кенгайтириш, янги объектларни қуриш ва қайта жиҳозлаш, замонавий асосий воситалар ва номоддий активларни харид қилиш орқали модернизация қилиш, бевосита инвестицион фаолиятда банд бўлган ишчиларга иш ҳақи ва у билан боғлиқ ижтимоий суғурта ажратмалари, инвестицион фаолият билан боғлиқ лойиҳаларни амалга ошириш бўйича турли кредиторлар билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш, инвестицион фаолият учун келиб тушган мақсадли тушумлар бўйича ҳисоб-китоблар каби инвестицион фаолият бўйича харажатлар ҳисоби юритилади.

Айрим иқтисодчи олимлар сув таъминоти хизматлари учун тўлов таркибига инвестицион ёки инновацион харажатларни киритиш лозим деб, ҳисоблайдилар. Жумладан, В.В.Лесных, А.Я.Терентьев¹⁴ фикрига кўра, кўрсатиладиган хизматлар тарифи сув таъминоти корхонасининг ишлаб чиқариш харажатларини, инвестицион тўловларини ўз ичига олиши лозим. Уларнинг талқинига кўра, ҳар бир корхона сифатли хизмат кўрсатишга интилади. Бугунги кунда сифатли сув етказиб бериш, оқова сувларни сув объектларига оқизишни тўхтатиш учун тозалаш иншоотларини ўрнатишга катта маблағ талаб этилмоқда. Буларнинг барчаси турли манбалардан йирик инвестицион лойиҳа ресурсларини жалб этишни тақозо қилмоқда. Турли даражадаги бюджетлар ва корхонанинг ўз маблағлари ҳам инвестицион манба бўлиши мумкин. Бошқа томондан, бюджет ва истеъмолчиларга ортиқча юк тушмаслиги лозим. Манфаатлар балансини таъминлаш учун эса, инвестицион устама миқдори бўйича қарорлар қабул қилишга тўғри келади.

Е.А.Дмитриева¹⁵ ўз илмий ишида сув таъминоти ва канализация хизмати соҳасига капитал бозоридан инвестицион эҳтиёжларни молиялаштиришнинг имкони бўлмаганда сув таъминоти ва канализация хизмати тўловлар ичига инвестицион харажатларни киритиш лозим деб, таъкидлаган. В.Ю.Амельченко¹⁶ тадқиқотларида ҳам сув таъминоти корхоналарида инвестицион ресурсларнинг асосий манбаларидан бири сифатида коммунал хизматлар тарифлари таркибига инвестицион харажатларни киритиш эканлигини келтирган.

Бизнинг фикримизча, сув таъминоти корхоналарида инвестицион харажатларни 3100- (Келгуси давр харажатларини ҳисобга олувчи счётлар) счёти замирида 3130-«Инвестицион фаолият бўйича харажатлар» счёти очиш мақсадга мувофиқдир.

¹⁴Лесных В.В., Терентьев А.Я. Формирование тарифов в сфере водоснабжения и водоотведения. Вестник УГТУ-УПИ. №4, 2010, 13 стр.

¹⁵Дмитриева Е.А. Повышение эффективности управления инвестиционной деятельностью в водоснабжении жилищно-коммунального хозяйства. Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора географических наук. Санкт-Петербург, 2009, 26 стр.

¹⁶Амельченков В.Ю. Механизм формирования и обеспечения функционирования инновационной инфраструктуры предприятий водоснабжения (на примере города Смоленска). Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Москва, 2009, 24 стр.

Сув таъминоти корхоналарида инвестицион фаолият билан боғлиқ харажатлар «Инвестицион фаолият бўйича харажатлар» счётларининг дебет томонида ҳамда сарфланаётган харажатлар мос равишда асосий воситалар, асосий воситалар амортизацияси, ёрдамчи ишлаб чиқариш, умумишлаб чиқариш, мол етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоблашишлар, мақсадли давлат жамғармаларига қарзлар, меҳнат ҳақи бўйича ҳисоблашишлар счётларининг кредитида ҳисобга олинади (7-жадвал).

7-жадвал

Инвестицион харажатлар билан боғлиқ муомалаларни ҳисобга олувчи счётлар бўйича корреспонденция¹⁷

№	Хўжалик операциялари мазмуни	Счётлар корреспонденцияси	
		Дебет	Кредит
1.	Инвестицион фаолият учун материалларнинг берилиши	3130	1000
2.	Инвестицион фаолиятда фойдаланилаётган асосий воситаларнинг амортизацияси	3130	0200
3.	Ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатларининг инвестицион фаолият билан боғлиқ қисми	3130	2300
4.	Инвестицион фаолият бўйича мол етказиб берувчи ва пудратчиларга тўланадиган счётлар	3130	6010
5.	Инвестицион фаолият бўйича мақсадли давлат жамғармаларига қарзлар	3130	6510
6.	Инвестицион фаолият бўйича меҳнат ҳақи бўйича ҳисоблашишлар	3130	6710
7.	Инвестицион фаолият учун харид қилинган асосий воситаларнинг таннархга қўшилиши	3130	0820
8.	Инвестицион фаолият учун харид қилинган номоддий активларнинг таннархга қўшилиши	3130	0830
9.	Инвестицион фаолият учун берилган субсидияларнинг акс эттирилиши	3130	8800
10.	Инвестицион фаолият бўйича счётларнинг хизматлар таннархида акс эттирилиши	2010	3130

Фикримизча, инвестицион фаолиятга оид харажатларни шу тартиб асосида ҳисобини юритиш сув таъминоти корхонаси таркибидаги хизмат кўрсатиш объектларида таннархни аниқлашнинг аниқлигига олиб келади.

Шундай қилиб, сув таъминоти корхоналарида ҳисоб сиёсатини шакллантиришда юқоридаги таклифларнинг инобатга олиниши қуйидагиларга имкон яратади:

ҳисоб сиёсатининг таркибий тузилиши аниқроқ шаклланиши ва хўжалик фаолиятининг барча жиҳатларини тўлиқ қамраб олиниши таъминланади;


ҳар бир таркибий счётда инвестицион фаолиятга оид харажатлар ҳисобини юритиш бўйича услубий асосни яратиш асосида фойдаланувчини тўлиқ аналитик ахборот билан таъминлаш имкони яратилади;

сув таъминоти ташкилотларида инвестицион фаолиятга оид харажатлар ҳисобини ташкил этиш, юритиш, ички ва молиявий ҳисоботларни тузиш тартиби мукаммаллаштирилади.

Тадқиқотлардан кўринадики, маҳсулот (иш, хизмат)лар ишлаб чиқариш харажатларининг амалдаги таснифида сув таъминоти корхоналари хизматлари таннархини шакллантиришда тармоқ хусусиятлари акс эттирилмаган. Фикримизча, соҳа корхоналарининг хусусиятларидан келиб

¹⁷Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси.

чиққан ҳолда сув таъминоти корхоналарида харажатлар сувни олиш, тозалаш ва етказиб бериш харажатларига ажратилиши лозим. Бу эса харажатларни оптималлаштиришга олиб келади деб, ҳисоблаймиз (1-расм). Ҳар бир объект ва жараён бўйича харажатларнинг алоҳида жамланиши орқали ҳар бир жараён бўйича хизмат таннархини аниқлаш мумкин. Бундай ҳисобни юритиш учун биз томонимиздан махсус шакл (4-с шакл) тавсия этилади (8-жадвал). Мазкур шакл ишлаб чиқариш харажатларини иқтисодий элементлари бўйича объектлар ва жараёнлар кесимида ҳисобга олиш имконини яратади.



1-расм. Сув таъминоти корхоналарида ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш схемаси¹⁸

¹⁸Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси.

Амалда сув таъминоти корхоналарида калькуляция технологик жараёнлар бўйича эмас, балки корхона бўйича умумий амалга оширилади. Таннарх калькуляциясини технологик жараёнлар бўйича амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Ҳар бир технологик жараён калькуляциясида материал, ёқилғи, энергия ва ушбу жараён билан боғлиқ бошқа харажатлар акс эттирилиши лозим. Бунинг учун сув таъминоти корхоналарида ишлаб чиқариш харажатларининг технологик жараёнлар бўйича ҳисобини юритиш учун 2011-«Сувни олиш жараёнидаги ишлаб чиқариш харажатлари», 2012-«Сувни тозалаш жараёнидаги ишлаб чиқариш харажатлари», 2013-«Сувни етказиб бериш жараёнидаги ишлаб чиқариш харажатлари» ишчи счётларини киритиш лозим.

8-жадвал

Ишлаб чиқариш харажатларини объектлар ва ишлаб чиқаришнинг технологик жараёнлари бўйича ҳисобга олиш¹⁹

№	Объект номи	Технологик жараёнлар	Моддий харажатлар	Иш хақи харажатлари	Ижтимоий суғурта ажратмалари	Амортизация ажратмалари	Бошқа харажатлар	Жами
1.	1 объект	Сувни олиш	1216418	418816,9	50258,03	66715,548	52504,14	1804712,71
		Сувни тозалаш	810945,4	279211,26	33505,35	44477,032	35002,76	1203141,81
		Етказиб бериш	2027364	698028,16	83763,38	111192,58	87506,9	3007854,52
2.	2 объект	Сувни олиш	912313,5	314112,67	37693,52	50036,661	39378,11	1353534,46
		Сувни тозалаш	608209	209408,45	25129,01	33357,774	26252,07	902356,306
		Етказиб бериш	1520523	523521,12	62822,54	83394,435	65630,18	2255890,77
3.	3 объект	Сувни олиш	608209,2	209408,45	25129,01	33357,774	26252,07	902356,506
		Сувни тозалаш	405472,8	139605,63	16752,68	22238,516	17501,38	601571,004
		Етказиб бериш	1013682	349014,08	41881,69	55596,29	43753,45	1503927,51
4.	4 объект	Сувни олиш	304104,6	104704,22	12564,51	16678,887	13126,04	451178,253
		Сувни тозалаш	202736,4	69802,816	8376,338	11119,258	8750,69	300785,502
		Етказиб бериш	506841	174507,04	20940,85	27798,145	21876,73	751963,755
Жами			10136818	3490140,8	418816,9	555962,9	437534,5	14934103,3

Сувнинг ҳажми дастлабки келиб тушишида назорат қилинади. Ҳисоб ускуналари технологик жараёнга қабул қилинган сув ҳажмини ҳисобга олади. Амалиётда бир технологик участкадан кейингисига узатилганда сув ҳажми назорат қилинмайди. Ҳар бир технологик жараён бўйича сув сарфи инобатга олиниши лозим. Бу истеъмол қилинаётган сувни ҳисобга олиш ва назорат қилиш, сув қувурлари тармоқларидаги аварияларни ҳисобга олиш, технологик қайта тақсимлаш жараёнларидаги сув йўқотишларини ҳисобга олиш, ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш имконини беради.

Бугунги кунда Тошкент шаҳри бўйича жами 3700,8 км ичимлик сув тармоғи мавжуд бўлиб, ҳозирги кунга келиб 72 фоиз ичимлик суви, 60 фоиздан ортиқ оқова сув тармоқлари хизмат муддатини ўтаб бўлган. Буни йилдан йилга ортиб бораётган сув тармоқларидаги авариялар сонидан ҳам кўриш мумкин. Масалан, 2019 йил давомида 10198 та авария бўйича таъмирлаш ишлари бажарилган бўлса, 2020 йилда қарийб 12000 та авариялар

¹⁹«Тошкент сув таъминоти» МЧЖ Чирчиқ шаҳар бўлими маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

бартаф этилган. Бундай авариялар сонининг ортиши ичимлик суви беҳуда йўқотилишига сабаб бўлмоқда. Бу, албатта, таннархнинг ошишига олиб келади.

Сув таъминоти корхоналари хизмат кўрсатиш жараёнида ер усти ва ер ости сув манбаларидан фойдалангани боис ишлаб чиқариш жараёни бир-биридан объектлар бўйича фарқ қилади. Моддий харажатларни объектлар ва ишлаб чиқаришнинг технологик жараёнлари бўйича ҳисобга олиш харажатларни режалаштириш, назоратга олиш, уларнинг захирасини яратиш, шунингдек давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини ривожлантириш имконини беради. Тадқиқотлар натижасида биз томонимиздан, объектлар ва ишлаб чиқаришнинг технологик жараёнлари бўйича моддий харажатлар ҳисобини юритиш учун махсус шакл (5-с шакл) ишлаб чиқилди (9-жадвал).

9-жадвал

Моддий харажатларни объектлар ва ишлаб чиқаришнинг технологик жараёнлари бўйича ҳисобга олиш²⁰

№	Объект номи	Технологик жараёнлар	Хомашё ва материаллар	Хлор	Алюминий сульфат	Реактивлар	Спирт	Ёқилги	Электр энергияси	Материал эгри харажатлар	Жами
1.	1 объект	Сувни олиш	12620	3872	7966	449	332	23557	1166963	656	1216418
		Сувни тозалаш	8413	2581	5310	299	221	15705	777975	437	810945
		Етказиб бериш	21033	6453	13277	748	554	39262	1944939	1094	2027363
2.	2 объект	Сувни олиш	9465	2904	5974	337	249	17668	875222	492	912313
		Сувни тозалаш	6310	1936	3983	224	166	11778	583481	328	608209
		Етказиб бериш	15775	4840	9957	561	415	29447	1458704	820	1520522
3.	3 объект	Сувни олиш	6310	1936	3983	224	166	11778	583481	328	608209
		Сувни тозалаш	4206	1290	2655	149	110	7852	388987	218	405472
		Етказиб бериш	10516	3226	6638	374	277	19631	972469	547	1013681
4.	4 объект	Сувни олиш	3155	968	1991	112	83	5889	291740	164	304104
		Сувни тозалаш	2103	645	1327	74	55	3926	194493	109	202736
		Етказиб бериш	5258	1613	3319	187	138	9815	486234	273	506840
Жами			105169	32267	66386	3744	2771	196314	9724694	5470	14934103

Сув таъминоти корхоналарида калькуляция услубиётининг ўзгариши қуйидагиларга имкон беради:

ҳар бир технологик жараён таннархини ўтган йиллар билан солиштириш;

ишлаб чиқариш таннархига таъсир этган омилларни ўрганиш;

бир куб метр сувнинг ҳақиқий таннархини аниқлаш;

ҳар бир технологик жараён бўйича харажатларни камайтириш имкониятлари аниқлаш;

сув таъминоти корхоналарининг молия-хўжалик фаолияти назорати самарадорлигини оптималлаштириш.

Тадқиқот натижалари асосида шундай хулосага келиндики, сув таъминоти корхоналарининг юқори қарздорлиги электр энергия етказиб берувчи ташкилотларга нисбатан ҳисобланади. Мазкур ҳолат аксарият

²⁰«Тошкент сув таъминоти» МЧЖнинг Чирчиқ шаҳар бўлими маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

муаммоларнинг ўз вақтида ҳал этилмаслиги ҳамда операцион харажатларни амалга оширишга тўсиқ бўлмоқда. Шунингдек дебиторлик қарзларининг юқори суммани ташкил этиши вазиятни янада мураккаблаштирмоқда.

Ишнинг учинчи боби «Сув таъминоти корхоналари молиявий ҳолатини баҳолаш ва уни такомиллаштириш» деб номланган бўлиб, унда сув таъминоти корхоналари молиявий ҳолати, молиявий натижалари, инвестицион жозибadorлигини таҳлил этиш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар шакллантирилган.

Мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш ҳамда уларнинг миқдор ва сифат кўрсаткичлари ўртасида мутаносибликка эришиш бугунги кунда хўжалик субъектлари молиявий барқарорлигини таъминлашнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади. Мулкчилик шаклидан қатъий назар замонавий бошқарув корхона раҳбаридан молиявий ҳолат таҳлилига батафсил, тизимли-комплекс ёндошишни талаб қилади.

Фикримизча, «молиявий ҳолат» хўжалик юритувчи субъектнинг нормал фаолияти учун зарур бўлган молиявий ресурслар билан таъминланганлиги, уларнинг мақсадли жойлаштирилганлиги ва самарали фойдаланилганлиги, бошқа юридик ва жисмоний шахслар билан молиявий ҳамкорлиги, тўловга қобиллиги ва молиявий барқарорлиги билан тавсифланади.

«Давлат иштирокидаги корхоналарнинг молиявий-иқтисодий ҳолати таҳлилини ўтказиш» Регламенти ҳамда соҳа корхоналарининг тармоқ хусусиятидан келиб чиқиб, сув таъминоти корхоналарининг молиявий ҳолатини таҳлил қилиш тартиби белгиланди. Унда қуйидаги коэффицентларни ҳисоб-китоб қилиш орқали молиявий ҳолатга баҳо берилади (10-жадвал):

10-жадвал

Молиявий коэффицентлар ҳисоб китоби натижалари асосида корхоналар молиявий ҳолатига баҳо беришнинг баллик тизими²¹

№	Кўрсаткичлар номи	1 гуруҳ	Балл	2 гуруҳ	Балл	3 гуруҳ	Балл
1	Тўлов қобилияти (қоплаш) коэффиценти (K1)	$K1 \geq 1,25$	15	$K1 \geq 0,75$	10	$K1 \geq 0,25$	5
2	Ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффиценти (K2)	$K2 \geq 0,2$	15	$K2 \geq 0,1$	10	$K2 \geq 0$	5
3	Харажатлар рентабеллик коэффиценти (K3)	$K3 > id$	15	$K3 = id$	10	$K3 < id$	5
4	Активлар рентабеллиги коэффиценти (K4)	$K4 > i$	15	$K4 = id$	10	$K4 < id$	5
5	Ўз ва қисқа муддатли қарз маблағларининг нисбат коэффиценти (K5)	$K5 > 1$	15	$K5 > 0,5$	10	$K > 0$	5
6	Кутилган даромаднинг қопланиши коэффиценти (K6)	$K6 > 1$	15	$K6 = 1$	10	$K6 < 1$	5
7	Асосий воситаларнинг эскириш коэффиценти (K7)	$K7 < 0,5$	10	$K7 = 0,5$	5	$K7 > 0,5$	0
	Жами:	X	100	X	65	X	30

²¹«Тошкент сув таъминоти» МЧЖ Чирчиқ шаҳар бўлими маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

1. Тўлов қобилияти (қоплаш) коэффиценти.
2. Ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффиценти.
3. Харажатлар рентабеллик коэффиценти.
4. Активлар рентабеллиги коэффиценти.
5. Ўз ва қисқа муддатли қарз маблағларининг нисбат коэффиценти.
6. Кутилган даромаднинг қопланиши коэффиценти.
7. Асосий воситаларнинг эскириш коэффиценти.

Келтирилган кўрсаткичлар муҳимлик даражаси бўйича 100 баллик балл асосида балл қўйилган ҳамда ўша асосда гуруҳларга ажратилган.

10-жадвал маълумотлари асосида сув таъминоти корхонаси молиявий ҳолатига умумий баҳо берилган (11-жадвал).

Корхона молиявий ҳолатини баҳолашнинг энг муҳим кўрсаткичларидан бири бу молиявий барқарорликдир²². Сув таъминоти корхоналарининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда уларнинг молиявий барқарорлик даражасига баҳо беришда, уларни молиявий барқарор, нобарқарор, кризис ҳолатда деб, белгилаш мумкин.

11-жадвал

Сув таъминоти корхонаси молиявий ҳолатига баҳо бериш тартиби²³

№	Гуруҳлар	Балл	Молиявий барқарорлик даражаси
1	I	66-100	Бу тоифадаги корхоналар молиявий барқарор ҳисобланади.
2	II	31-65	Бу тоифадаги корхоналар нобарқарор ҳисобланади.
3	III	0-30	Бу тоифадаги корхоналар кризис ҳолатда ҳисобланади.

Жадвалдан кўринадикки, молиявий коэффицентлар миқдорига қараб 3 гуруҳга ажратилган. Молиявий коэффицентлар миқдори йиғиндиси 66-100 балл оралиғида бўлса, сув таъминоти иқтисодий барқарор ҳолатда дейиш мумкин. Коэффицентлар миқдорларининг йиғиндиси 31-65 оралиғида бўлиши сув таъминоти корхонасининг иқтисодий таваккалчиликка эга эканлигини ифодалайди. Шунингдек, молиявий коэффицентлар миқдорининг 0-30 оралиқда бўлиши унинг иқтисодий ночор ҳолатда эканлигини кўрсатади.

Ушбу методикани амалда қўллаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги томонидан «Сув таъминоти корхоналари молиявий ҳолатини таҳлил қилиш тартиби» номли дастурга DGU 2019 1606 сонли гувоҳнома олинган. Мазкур дастур рақамли иқтисодиёт талабларига мос бўлиб, сув таъминоти корхоналари молиявий ҳисоботлари асосида уларнинг молиявий ҳолатига баҳо бериш имконини беради.

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида тузилган молиявий ҳисоботлар манфаатдор фойдаланувчиларини субъектнинг молиявий аҳволи, ундаги ўзгаришлар ва фаолият натижалари ҳақидаги ишончли, ўз вақтида, таққослама ахборот билан таъминлаши лозим. Бироқ, амалиётда сув таъминоти корхоналарининг молиявий ҳисоботи ички ва

²²Қувватов Ғ.Б. Молиявий ҳисобот элементларини прогнозлаш ва уларнинг ретроспектив таҳлилин тақомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси автореферати. Тошкент, 2021.

²³«Тошкент сув таъминоти» МЧЖ Чирчиқ шаҳар бўлими маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

ташқи фойдаланувчилар барча таркибини зарур ахборот билан таъминлай олмайди.

Тадқиқот натижалари кўрсатадики, молиявий ҳолат тўғрисидаги ахборот нафақат корхонанинг ички сиёсатини амалга ошириш учун, балки ташқи субъектлар ҳам инвестицион қўйилмалар истиқболлилигини, ҳамкорликнинг ишончилигини, тўловга қобилиятлилигини баҳолаганда бу маълумотлардан фойдаланадилар.

Сув таъминоти корхоналари молиявий ҳолатининг таҳлили шуни кўрсатадики, уларнинг аксарияти молиявий соғломлаштириш, инвестицияларни жалб этиш, тармоқни кризис ҳолатдан чиқаришга йўналтирилган чора-тадбирларни амалга оширишга муҳтождир.

Бугунги кунда сув таъминоти соҳаси уй-жой коммунал хўжалиги тармоғининг энг орқада қолаётган соҳаси ҳисобланади. Бироқ, сув таъминоти соҳаси инвесторлар учун иқтисодиётнинг энг жозибадор ҳамда юқори фойдали соҳага айлантирилиши ҳам мумкин. Буни хусусий сармоя эгаларининг ушбу соҳага қизиқишларининг ортаётганлиги билан ҳам изоҳлаш мумкин. Шунингдек, соҳага капитал оқимини таъминлаш учун давлат-хусусий шерикчилигига асосланган бизнес муҳитини яратишга муҳим эътибор қаратилмоқда:

Тармоқнинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш, тўғридан-тўғри, аввало, хорижий инвестицияларни жалб қилиниши билан боғланиши лозим²⁴.

Бизнинг фикримизча, сув таъминоти корхоналарида инвестицион жозибадорлик таҳлилининг мақсади корхонанинг жорий ва келгуси ҳолатини аниқлаш, корхона иш самарадорлигини такомиллаштириш йўллари шакллантириш, инвестицияларни ўзлаштириш ва қўйилмалар жозибадорлигини такомиллаштиришдан иборатдир.

Сув таъминоти соҳасида зарурий инвестициялар ҳажмининг катталиги уларни давлат бюджетидан олишнинг имконсизлигини кўрсатади. Шунинг учун соҳанинг жозибадор томонларини шакллантириш ва бюджетдан ташқари маблағларни жалб этиш учун зарурий шароитларни яратиш лозим.

М.Қ.Пардаев таҳлил орқали корхонанинг молиявий аҳволи, унинг истиқболи аниқ ва равшан бўлишини таъкидлаган. Унинг фикрича, барча ижобий натижалар бўлса, албатта ташқи инвесторлар хабардор бўлиши лозим. Лекин қайси кўрсаткичларни, қачон ва қандай ҳолатда ошкор қилиш муҳимлигини ҳамма ҳам ҳамиша билавермаслигини айтиб ўтган²⁵.

Корхоналар инвестицион жозибадорлигини ўрганишда молиявий коэффицентлардан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Тадқиқотларга таяниб, айнан сув таъминоти корхоналари инвестицион жозибадорлигини баҳолашда куйидаги молиявий коэффицентларни аниқлашни мақсадга мувофиқ деб, ҳисоблаймиз (12-жадвал):

²⁴Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»²⁴ги ПҚ-4040-сонли Қарори. 2018 йил 30 ноябрь. www.lex.uz

²⁵Пардаев М.Қ. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида иқтисодий таҳлилнинг назарий ва методологик муаммолари. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Самарканд, 2001.

12-жадвал

Сув таъминоти корхоналари инвестицион жозибадорлигини баҳолашнинг молиявий коэффицентлари²⁶

№	Молиявий коэффицентлар	Ҳисобланиши	Меъёр даражаси
1.	Молиявий мустақиллик коэффиценти	Ўз капитали / Баланс активи жами	>0.5
2.	Жалб этилган капитал айланувчанлиги коэффиценти	Соф тушум / Қарз капитали	>4
3.	Тўлов қобилияти коэффиценти	Айланма капитал / Қарз капитали	>1.25
4.	Мутлоқ ликвидлилик коэффиценти	Пул маблағлари / Қарз капитали	>0.2
5.	Олинадиган ва тўланадиган счетлар ўртасидаги нисбат коэффиценти	Олинадиган счетлар / Тўланадиган счетлар	>1
6.	Мулк рентабеллиги	Соф фойда / Баланс пассиви жами	>0.05
7.	Инвестициялар рентабеллиги	Соф фойда / Йўналтирилган инвестициялар қиймати	>0.05
8.	Ўз оборот маблағларининг мавжудлиги	Ўз капитали+Узоқ муддатли жалб этилган капитал-доимий капитал	>0.1

Ўз навбатида молиявий коэффицентларнинг ижобий тавсифга эга бўлиши мол-мулк ва унинг манбаларининг таркиби ҳамда тўғри жойлашувига боғлиқ.

М.Ю.Рахимов, Н.Н.Каландарова ҳам хўжалик юритувчи субъектлар рақобатда синмаслиги учун мавжуд маблағларини тўғри жойлаштириши ва бошқариши муҳимлигини таъкидлаган²⁷. Шунингдек, Г.В.Савицкая мулк таркибини таснифланиши бўйича ўз ёндошувини тавсия этган.

Биз тадқиқотларимиз натижаларига кўра, сув таъминоти корхонаси активи ва унинг манбаларининг қуйидаги структурасини таъминлашни тавсия этамиз (13-жадвал):

13-жадвал

Сув таъминоти корхоналарида активлар ва пассивларнинг оптимал структураси²⁸

№	Мулк (Баланс активи)	Структураси, %	№	Мулк манбаси (Баланс пассиви)	Структураси, %
1.	Узоқ муддатли активлар	40	1.	Ўз маблағлари	50
2.	Товар-моддий қийматликлар	30	2.	Узоқ муддатли мажбуриятлар	30
3.	Дебиторлар	10	3.	Қисқа муддатли мажбуриятлар	10
4.	Пул маблағлари	20	4.	Кредиторлар	10
	Жами	100		Жами	100

²⁶Муаллиф ишланмаси.

²⁷ Рахимов М.Ю., Каландарова Н.Н. Молиявий таҳлил. Дарслик. Т.: “Иқтисод-молия”, 2019.

²⁸ «Тошкент сув таъминоти» МЧЖ Чирчиқ шаҳар бўлими маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

Тавсия этилаётган структура сув таъминоти корхонаси молиявий ҳолати яхшиланиши ва инвестицион жозибадорлигини ошишига хизмат қилади. Биз «Тошкент сув таъминоти» МЧЖнинг Чирчиқ шаҳар бўлими мисолида активлар ва унинг манбаларининг структурасини таҳлил этдик (14-жадвал).

14-жадвал

Сув таъминоти корхонасининг активлари ва пасивларининг таркибининг таҳлили²⁹

Мол-мулк (Баланс активи)	Йиллар				№	Мол-мулк манбаси (Баланс пасиви)	Йиллар			
	2017	2018	2019	2020			2017	2018	2019	2020
Узоқ муддатли активлар	13,6	13,1	7,75	35,78	1.	Ўз маблағлари	56,8	67,5	57,87	53,59
Товар-моддий қийматликлар	4,3	2,6	1,91	2,45	2.	Узоқ муддатли мажбуриятлар	0	0	24,72	19,22
Дебиторлар	76,7	84,1	90,33	61,77	3.	Қисқа муддатли мажбуриятлар	43,2	32,4	17,41	27,19
Пул маблағлари	5,2	0,01	0,0007	0	4.	Кредиторлар	43,2	32,4	15,76	21,83
Жами	100	100	100	100		Жами	100	100	100	100

Жадвал маълумотларидан кўринадикки, йиллар давомида корхона узоқ муддатли активлари ва товар-моддий қийматликлари камайиш ҳамда дебиторлар ўсиш тенденциясига эга, пул маблағларининг жами мулк таркибида ниҳоятда камлиги корхонанинг ўз мажбуриятларини вақтида қоплай олмаслигига сабаб бўлиши мумкин. Дебиторлик қарзларининг ниҳоятда кўплиги корхона мулкининг ўз айланмасидан ташқарида эканлигини билдиради. Корхона ўз маблағлари манбаларининг йил давомида ошиб боргани, жорий кредиторлик қарзларининг камайиб борганини ижобий ҳолат сифатида баҳолаш мумкин.

Инвестицион лойиҳаларнинг амалга оширилиши сув таъминоти корхоналари эҳтиёжларини таъминланиши, кўрсатиладиган хизматлар сифатининг ошиши, кўрсатиладиган хизматлар бўйича харажатларнинг камайиши, экологик ҳолатнинг яхшиланишига олиб келади.

²⁹ «Тошкент сув таъминоти» МЧЖ Чирчиқ шаҳар бўлими маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

ХУЛОСА

Диссертация ишида олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида куйидаги хулосалар шакллантирилди:

1. Сув таъминоти корхоналарида бухгалтерия ҳисоби ва иқтисодий таҳлилни ташкил этишда уларнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олиш лозимлиги асосланган. Иқтисодий таҳлилни ташкил этиш ҳамда давлат-хусусий шериклик лойиҳалари инвестицион жозибадорлигини ошириш мақсадида иқтисодий ахборотлар базасини такомиллаштириш бўйича таклифлар берилган.

2. Сув таъминоти корхоналарида бошқарув ҳисоби ва таҳлилни жорий этиш ресурслардан самарали фойдаланиш ва улар томонидан қилинган харажатларни илмий асослашга йўналтирилган ахборот тизимини шакллантиради. Соҳа корхоналарида уларнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда бошқарув ҳисобини бир неча босқичларда ташкил этишнинг ташкилий, методологик, амалий тартиби таклиф қилинди. Шунингдек, бошқарув ҳисобини юритишнинг услубий асосини такомиллаштириш мақсадида махсус ҳужжатлар шакли (1с-, 1о-, 2с-, 2-0, 2д-, 3с-, 3о-, 4с-, 4о-шакллар) ишлаб чиқилди ва фойдаланишга тавсия этилди.

3. Сув таъминоти корхонаси хизмат кўрсатиш давомида сувни реализация қилиш, оқова сувни қабул қилиш ҳамда асосий фаолият билан боғлиқ бошқа турдаги даромадлар олади. Ушбу даромадларни хизмат турлари бўйича ҳисобга олиш учун махсус шакллар ишлаб чиқилган. Сув таъминоти корхоналарида тўловлар йиғилишини тезлаштириш ва даромадларни оширишнинг муҳим йўналишлари тавсия этилган.

4. Гармоқ хусусиятларидан келиб чиқиб, сув таъминоти корхоналарида харажатлар сувни олиш, тозалаш ва етказиб бериш харажатларига ажратилади. Уларни алоҳида ишчи счётларда ҳисобга олиш бўйича амалий таклифлар берилди. Сув таъминоти корхоналарида кўрсатиладиган хизмат ҳажми, олинадиган даромадлар, хизматлар таннархини технологик жараёнлар бўйича калькуляция қилиш бўйича ҳужжатлар тавсия қилинди. Тавсия этилган ҳужжатлар корхонада иш самарадорлигини ошишига хизмат қилади.

5. Сув таъминоти корхоналарида инвестицион харажатларни «Инвестицион харажатлар» счётида ҳисобга олиш бўйича таклиф берилди. Ушбу таклиф сув таъминоти ташкилотларида инвестицион фаолиятга оид харажатлар ҳисобини ташкил этиш, юритиш, ички ва молиявий ҳисоботларни тузиш тартиби мукамаллаштириш имконини беради.

6. Сув таъминоти корхоналари молиявий ҳолатини коэффицентлар ёрдамида таҳлил қилиш тартиби ишлаб чиқилди. Тўлов қобилияти, ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик, харажатлар рентабеллиги, активлар рентабеллиги, ўз ва қисқа муддатли қарз маблағларининг нисбати, кутилган даромаднинг қопланиши, асосий воситаларнинг эскириш коэффицентларини ҳисоб-китоб қилиш орқали молиявий ҳолатни таҳлил қилишнинг баллик тизими таклиф қилинди. Шу асосда «Сув таъминоти

корхоналари молиявий ҳолатини таҳлил қилиш тартиби» номли такомиллаштирилган электрон дастур ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий этилди. Дастурнинг амалиётга жорий этилиши сув таъминоти корхоналари молиявий ҳолатини аниқ, тезкор, истиқболли таҳлил қилиш ва аниқ натижа олиш имкониятини беради.

7. Сув таъминоти корхоналари инвестицион жозибадорлигини оширишда активлар ва пассивлар таркибини баҳолашнинг зарурияти асослаб берилди. Бундай таркибланиш мавжуд мол-мулкдан унумли фойдаланиш ва уларнинг мутаносиблигини сақлаш орқали молиявий барқарорликка эришиш имконини беради.

8. Давлат-хусусий шериклиги сув таъминоти сифати ва ундан фойдаланиш даражасини ошириш муаммосини ҳал қилишнинг истиқболли йўналиши ҳисобланади. Соҳада давлат-хусусий шериклигини ривожлантиришнинг аҳамияти асослаб берилди.

Тадқиқотда келтирилган илмий натижаларни амалиётга кенг тадбиқ этиш сув таъминоти корхоналарида бухгалтерия ҳисоби ва иқтисодий таҳлилни такомиллаштиришга хизмат қилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ № DSc.03/30.12.2019.I.17.01 ПРИ
ТАШКЕНТСКОМ ФИНАНСОВОМ ИНСТИТУТЕ**

ТАШКЕНТСКИЙ ФИНАНСОВЫЙ ИНСТИТУТ

АБДУЖАБОРОВА МАЪМУРА ТОШМУХАМАДОВНА

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ БУХГАЛТЕРСКОГО УЧЁТА И
ЭКОНОМИЧЕСКОГО АНАЛИЗА НА ПРЕДПРИЯТИЯХ
ВОДОСНАБЖЕНИЯ**

08.00.08 – Бухгалтерский учёт, экономический анализ и аудит

АВТОРЕФЕРАТ

диссертации доктора философии (Doctor of Philosophy) по экономическим наукам

город Ташкент – 2021 год

Тема диссертации доктора философии (Doctor of Philosophy) зарегистрирована под номером B2021.1.PhD/Iqt997 в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан.

Диссертация выполнена в Ташкентском финансовом институте.

Автореферат диссертации на трёх языках (русский, узбекский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.tfi.uz) и информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:

Очилов Илёс Келдиёрович
кандидат экономических наук, доцент

Официальные оппоненты:

Ахмеджанов Каримжон Бакиджанович
доктор экономических наук, профессор

Дусмуратов Раджапбай Давлетбаевич
доктор экономических наук, профессор

Ведущая организация:

Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства

Защита диссертации состоится «9» 09 2021 года в 16⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.I.17.01 при Ташкентском финансовом институте по адресу: 100000, г. Ташкент, ул. Амира Темура, 60А. Тел.: (99871) 234-53-34, факс: (99871) 234-46-26, e-mail: ilmiykengash@tfi.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского финансового института (зарегистрировано под номером 210). Адрес: 100000, г. Ташкент, ул. Амира Темура, 60А. Тел.: (99871) 234-53-34, факс: (99871) 234-46-26, e-mail: admin@tfi.uz.

Автореферат диссертации разослан «23» 08 2021 года
(протокол реестра № 36 от «23» 08 2021 года).



Т.З. Тешабаев
Председатель Научного совета по присуждению учёных степеней, доктор экономических наук, профессор

Н.Н. Каландарова
Учёный секретарь Научного совета по присуждению учёных степеней, доктор философии по экономическим наукам

И.Н. Кузиев
Председатель Научного семинара при Научном совете по присуждению учёных степеней, доктор экономических наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и необходимость темы диссертации. «За последние 100 лет потребление воды в мире увеличилось в 10 раз. Кризис, вызванный нехваткой питьевой воды, более серьёзен, чем нефтяной кризис. По разным оценкам, каждый доллар США, вложенный в улучшение качества услуг по водоснабжению и канализации, приносит доход в размере от 3 до 34 долларов»¹. Как отмечается изданием ООН «Право на воду. Изложение фактов № 35», ни один человек или группа лиц не могут быть лишены права на безопасную питьевую воду из-за своей неплатежеспособности. Проблема водоснабжения является одним из важнейших вопросов в жизни человечества и его будущего развития. Значение воды в мировой практике требует проведения реформ, а также развития сферы водоснабжения и услуг канализации. По масштабу решаемых целевых задач сфера водоснабжения является важной сферой коммунального хозяйства.

В мировой практике при развитии инновационной и цифровой экономики проводится большое количество научно-исследовательских работ по совершенствованию организационно-методологических аспектов бухгалтерского учёта и экономического анализа на предприятиях водоснабжения. В этих исследованиях приведены классификации доходов и расходов предприятий водоснабжения, оценка их финансового состояния и инвестиционной привлекательности, расширения информационных возможностей для пользователей, определена методология анализа их эффективного использования. Однако многообразие структуры предприятий водоснабжения, разнообразность отображения хозяйственных операций в учёте требуют решения важных вопросов и проблем, связанных с организацией методологических аспектов анализа на уровне международных стандартов.

В Узбекистане необходимость значительного объёма инвестиций для строительства новых объектов, реконструкции имеющихся, проведения модернизации и технического перевооружения на предприятиях водоснабжения свидетельствует о невозможности их финансирования из государственного бюджета. Поэтому требуется создание необходимых условий для формирования привлекательных сторон отрасли и привлечения внебюджетных средств. По этой причине совершенствование организационно-методологических основ бухгалтерского учёта и экономического анализа на предприятиях водоснабжения, исходя из их отраслевых особенностей, остается одним из важнейших вопросов сегодняшнего дня. В качестве одной из приоритетных задач установлено «на основе изучения международного опыта нужно открыть дорогу частному сектору в тех монопольных сферах, где могут быть созданы условия для конкуренции и формирования конкурентной среды. В этой связи необходимо

¹ Бахмат А.Б. Использование инструмента «бенчмаркинга» для повышения эффективности производственно-хозяйственной деятельности предприятий водопроводно-канализационного хозяйства Республики Беларусь. Экономические и юридические науки. Экономика и управление. № 14, 2018.

обновить законы о естественных монополиях и конкуренции, а также разработать Стратегию формирования конкурентной среды»². В обеспечении выполнения данных задач совершенствование методов бухгалтерского учёта и экономического анализа на предприятиях водоснабжения и определяет актуальность выбранной темы исследования.

Данное исследование в определённой степени служит реализации задач, поставленных в Указах Президента Республики Узбекистан №УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года, №УП-5241 «О мерах по кардинальному совершенствованию платежной дисциплины в сфере оказания услуг водоснабжения и водоотведения» от 16 ноября 2017 года, №УП-5883 «О мерах по совершенствованию управления водными ресурсами Республики Узбекистан для повышения уровня обеспеченности населения питьевой водой и улучшения ее качества» от 26 ноября 2019 года, №УП-6074 «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы питьевого водоснабжения и канализации, а также повышению эффективности инвестиционных проектов в данной сфере» от 25 сентября 2020 года, в Постановлении №ПП-4611 «О дополнительных мерах по переходу на международные стандарты финансовой отчётности» от 24 февраля 2020 года, в Постановлении Кабинета Министров №207 «О внедрении критериев оценки эффективности деятельности акционерных обществ и других хозяйствующих субъектов с долей государства» от 28 июля 2015 года, а также в других нормативных документах, касающихся данной сферы.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Степень изученности проблемы. Теоретические, научно-методологические и практические аспекты бухгалтерского учёта и экономического анализа на предприятиях водоснабжения отражены в произведениях таких зарубежных учёных, как В.Н.Афанасьев, С.А.Журавлев, В.В.Банк, Ю.С.Гембик, С.А.Городкова, М.С.Каплина, В.В.Лесных, А.Я.Терентьев, Е.В.Липатова, В.П.Щегурова, Л.О.Парфелкина³ и других.

² Послание Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева Олий Мажлису. 25.01.2020 год. <https://www.president.uz/>

³Афанасьев В.Н., Журавлев С.А. Анализ тарифной политики в водоснабжении населения города. Вестник НГУЭУ, №4, 2013, 200-217 стр.; Банк В.В. Организация учета и экономического анализа основных средств на предприятиях, перерабатывающих водные биоресурсы. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Саратов, 2004.; Гембик Ю.С., Городкова С.А. Проблемы практического применения законодательного механизма определения расходов на оплату труда и объемов реализации услуг в сфере водоснабжения и водоотведения. Вестник НГУЭУ. № 4, 2017.; Жигачев М.А. «Совершенствование методов расчета затрат на организацию водоснабжения жилищного фонда». Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Москва, 2006.; Каплина М.С. Потенциал использования системы бюджетирования в организации управленческого учета

Из учёных-экономистов нашей страны в работах М.К.Пардаева, А.А.Каримова, А.К.Ибрагимова, А.Х.Пардаева, Р.Д.Дусмуратова, А.С.Болтаева, С.У.Мехмонова, А.Ж.Туйчиева, М.Ю.Рахимова, Б.Ж.Хакимова, Р.О.Холбекова⁴ и других изучены вопросы совершенствования бухгалтерского учёта и экономического анализа в различных отраслях. А также в произведениях таких учёных-экономистов, как Р.А.Абдуллахонов, Л.Ф. Амиров, А.К. Ахмедов, Б.У. Хасанов, Ш.Т. Хасанов⁵ и других изучены различные аспекты использования водных ресурсов и совершенствования управления водным хозяйством. Однако не изучены теоретические и организационно-методологические аспекты бухгалтерского учёта и экономического анализа именно на предприятиях водоснабжения.

В работах учёных-экономистов и специалистов подробно исследованы учёт и экономический анализ производственных затрат и финансовых результатов в различных отраслях. Однако не исследованы учёт

текущей деятельности на предприятиях ВКХ. Учет и статистика. №1, 2011, 26-33 стр.; Каплина М.С. Роль ценообразования в построении системы управленческого учета текущей деятельности на предприятиях водоснабжения и водоотведения. Тегга Economicus. Ростов, 2010, 73-76 стр.; Лесных В.В., Терентьев А.Я. Формирование тарифов в сфере водоснабжения и водоотведения. Вестник УГТУ-УПИ. №4, 2010, 34-46 стр.; Липатова Е.В. Организация управленческого учета и совершенствование системы формирования издержек на предприятиях водоснабжения и водоотведения. Саратов, 2000.; Плотникова И.А. Формирование инвестиционной и тарифной политики в системе регионального водоснабжения. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Вологда, 2003.; Щегурова В.П., Парфелкина Л.О. Оптимизация затрат на услуги водоснабжающих предприятий как основа формирования тарифов. Молодой учёный. №4, 2014, 639-643 стр;

